



МУНОСАБАТ

«Халқимизнинг фидокорона меҳнати

туфайли қўлга киритилаётган улкан ютуқлардан ҳар биримиз фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз»

Президентимизнинг бу сўзлари наманганликларга янада кўтаринки кайфият, ғайрат ва шижоат берди. Аввало, шунинг таъкидлаш керакки, Президентимизнинг вилоятимизга ҳар бир ташрифи барчани бирдек ҳаяжонга солади, қувонтиради, янги марраларга руҳлантиради.

Масалан, Давлатимиз раҳбарининг 2009 йилнинг июлида вилоятга қилган ташрифи Наманганнинг батамом янгилиниши, таъбир жоиз бўлса, унинг шаҳарсозлигида янги даврни бошлаб берди.

«Гуллар шаҳри» мақомини олган вилоят марказидаги ободончилик энди энг чекка туманлар, қишлоқ ва маҳаллаларгача кириб борди. Хусусан, Наманган шаҳридаги Истиқлол кўчасида 8, Бобур кўчасида 16 та кўп қаватли турар-жой бинолари қурилди. Кўплаб хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Равон йўллар, сўлим боғу роғлар бунёд бўлди.

Вилоят аҳли феълларида «Бизга шу ҳам бўлаверди», деган кўниқиш ўрнини энди гўзаллик яратишга, обод ва озод гўшалар барпо этишга, замонавий турмуш шароитлари ва қўлайликларни юзага келтиришга қаратилган ғайрат-шижоат эгаллаган.

Президентимиз вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиб мақсадида бу галги ташрифи давомида Мингбулоқ туманидаги «Барақа», Уйчи туманидаги «Обод замин» фермер хўжаликларида бўлиб, фермерлар, депутатлар ва жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашди.

— 2015 йилнинг 29 сентябрь санаси менинг хотирамда бир умр сақланиб қолади, — дейди «Халича ая» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДПдан вилоят Кенгаши депутати Халчахон Мирзаева. — Юртбошимиз ҳар гал вилоятимизга келганида очик, самимий суҳбат, меҳри гаплар билан кўнглимизни кўтарди, янги-янги таклифларни билдирди. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Юзма-юз мулоқотимиз далада, пахтазордаги дала шийонида ўтди.

Фақат галла ва пахта етиштириш билан юксак фаровонликка эришиб бўлмайди, деди суҳбат чоғида Президентимиз. Доим изланиш, ўрганиш, дунё билан ҳамқалам бўлиш, янги марралар сари интилиш зарур. Қишлоқларда одамларга юқори даромад келтирадиган замонавий саноат корхоналарини кўпайтириш, иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгартиришни изчил давом эттириш керак.

Очили, мамлакатимиз раҳбарининг бу даъватидан кейин зиммамизда катта масъулият турганини янада чуқур ҳис қилдим. Фермер хўжалигимизни кенгайтириш, ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш бўйича янги режалар белгилаб олишга қарор қилдик.

Учрашувда мен қишлоқ аёлларига яратилган турмуш қўлайликлари ҳақида фахр-ифтихор билан гапирдим, ўзбекнинг бахтли аёлларидан бири эканлигини айтдим.

Суҳбат давомида, шунингдек, фарзандларимизнинг илм олиши, айниқса, спорт билан шугулланиши, фан, таълим, адабиёт ва санъат йўналишларида ўз истеъдодини юзага чиқариши учун кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида ҳам сўз борди.

Ёшларимизга тарихни ўргатиш, оғир кунлар ҳақидаги тасаввурларини жонли мисоллар билан бойитишимиз керак, дея алоҳида уқтирди Юртбошимиз. Чиндан ҳам, тарихни билиш, машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган ота-боболар кечмишидан бохабарлик ёшлар бугунги ҳаёт қадрини теран англашига ёрдам беради.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН

ПАРЛАМЕНТ ВАЗИРНИНГ АХБОРОТИНИ ТИНГЛАДИ

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси юзасидан парламент эшитуви ўтказилди

Бугун дунёда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш энг долзарб масалалардан бирига айланган бормоқда. Молиявий-иқтисодий инкироз жаҳон иқтисодиётида халчахануз оғир асоратлар қолдирмоқда, кўплаб давлатлар, йирик-йирик компаниялар янги иш ўринлари яратиш ҳақида эмас, балки мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш ҳақида бош қотирмоқда, айрим мамлакатларда бандлик билан боғлиқ муаммолар ижтимоий-иқтисодий беқарорликка сабаб

бўлмоқда, сиёсий парокандаликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Шундай пайтда ҳар йили мамлакатимиз ҳукумати томонидан ишлаб чиқилиб, миллий парламентимизда қабул қилинаётган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижросининг сарҳисобини олиш, кенгли хулосалар чиқариш долзарб аҳамиятга эгадир.

Чунки бу Дастур иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида амалга оширилаётган қанчадан-қанча дас-

турлар, ҳудудлардаги ислохотлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда рўёбга чиқарилаётган қанчадан-қанча лойиҳалар билан чамбарчас боғлиқ. Жорий йил Дастурда қарийб бир миллион кишининг бандлигини таъминлаш масаласи қўйилганини ҳисобга олиб фикр юритсак, халқимиз, юртимиздаги ҳар бир оила бу Дастур ижросидан манфаатдор экани аён бўлади.

▶ Давоми 2-бетда.

Халқ депутатлари Қанлиқўл туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари аҳоли, хусусан, касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш, бандликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганишди.

Халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи қишлоқ жойларда аҳолига сифатли тиббий-санитария хизмати кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб, доимий комиссия муҳокамасига олиб чиқди.

БАНДЛИК

Жаркўрган туманида 100 га яқин қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, 200 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Янги маҳалла гузари

Туманда истиқлол йилларида кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. «Гулистон» — туман марказидан 8-10 километр олинсада жойлашган маҳалла. Яқинда етти минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган бу масканда янги гузар фойдаланишга топширилди.

— Бугунги кунда қишлоқ ва маҳаллалар янада обод бўлаётгани қувонарли, — дейди Ўзбекистон ХДП Жаркўрган туман кенгаши раиси Алишер Маматмуродов. — «Гулистон» маҳалла гузарининг ишга туширилиши ҳам аҳолига янада қўлайлик туғдирди. Икки қаватли кўркам мажмуада озиқ-овқат дўкон ишлаб турибди. Маиший хизмат ва автосервис шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган. Маҳалла ёшларининг 20 нафардан ортиғи бандлиги таъминланган бўлса, йил охиригача яна 10 янги иш ўрни яратилади.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДАН — ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК САРИ

«Мен ҳам ўз ишимни йўлга қўймоқчиман»

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, улар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор вазифалар белгиланган.

▶ Давоми 2-бетда.

Янгиликлар, бунёдкорликлар, хабарлар...

32 мингдан ортиқ битирувчи

иш билан таъминланди

Андижон вилоятида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури доирасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур доирасида 88 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. 4 мингдан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса ўзининг 18 мингдан ортиқ бўш иш ўрни билан иштирок этган ушбу ярмаркаларда етти минг нафарга яқин фуқаро ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Вилоятда, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2014-2015 ўқув йилида вилоятдаги ўрта махсус ўқув юртларини битирган 44 минг 655 ўқувчининг 32 минг 250 нафари иш билан таъминланди.

Жорий йилда 1657 битирувчига тижорат банклари томонидан 7 миллиард 373 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

Электр станцияси синов режимда ишга туширилди

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан Жиззах вилоятида қуёш-шамол-дизель гибрид электр станциясининг синов режимдаги фаолияти бошланди.

Мазкур станция «Қишлоқ ва олинс туманларни электр энергияси билан барқарор таъминлаш» лойиҳаси доирасида қуриб битказилди. Уни амалга ошириш учун Жиззах вилояти Фалларол туманидаги «Замбар» радиоредакцияси ташкил қилинди.

Лойиҳа бўйича объектга 10 кВт қувватига эга вертикал ўқли шамол генератори, гелий аккумулятор батареяси (200 А/соат), инвертор (20 кВт) етказиб берилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу лойиҳанинг тўла ишга туширилиши катта иқтисодий самара келтиради.

Машинасозлик заводида

фермерлар учун ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда

Навоий кон-металлургия комбинатининг Навоий машинасозлик заводи «Ливадия — Бухоро» хусусий корхонаси билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун мўлжалланган қурилмалар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Дастлабки 14 турдаги қурилма — Германиянинг «Krone» компанияси технологияси бўйича ишлаб чиқарилган олма ва нокларни кесиш, сабзавотларни тозалаш, сабзавот ва мева-сабзавотларни кесиш машиналари 29 сентябрда «Ўзэкспомарказ»да очилган юбилей «Foodweek/Agritex Uzbekistan — 2015» ХХ озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмасида намойиш қилинди.

Навоий машинасозлик заводи ихтисослашган конструкторлик бюроси дастгоҳсозлик технологик бўлими етакчи муҳандиси Нормурод Ортиқовнинг айтишича, мазкур ускуналар кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазма давомида талаб катта бўлган қурилмалар мониторингинг ўтказилади ва синовлардан кейин улар ишлаб чиқарилади.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ
тайёрлади.



ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ
ҚИЗГИН МУҲОКАМА
ЭТИЛДИ



Бу ҳақда парламент палаталарининг қўшма мажлисида айtilган эди

Бандлик дастури ижроси таъминланиши, янги иш ўринлари яратилиши, касб-хунар коллежлари битирувчилари ишга жойлаштирилиши ЎзХДП учун принципиал аҳамиятга эга масала.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН

ПАРЛАМЕНТ ВАЗИРНИНГ АХБОРОТИНИ ТИНГЛАДИ

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш
Дастури ижроси юзасидан парламент эшитуви ўтказилди

Шунинг учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижросига, бу борада парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга жиддий эътибор қаратмоқда. Фракция аъзолари ўз сайлов округларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан бирга мунтазам равишда Дастур ижросини чуқур ўрганмоқда.

Жорий йилнинг 30 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида Дастур ижроси юзасидан парламент эшитуви ўтказилди.



Вазирлар Маҳкамаси, мута-садди вазирликлар, идора ва муассасалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари иштирок этган парламент кўйи палатаси йиғилишида «2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури бажарилиши тўғрисида» Мехнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазир Азиз Абдуҳакимовнинг ахбороти тингланди.

Вазир, давлат бандлик Дастури Президентимизнинг жорий йил 16 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бандлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётгани, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодий тармоқларини янада изчил ривожлантириш учун ҳар томонлама мустақам ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилганига эътибор қаратди.

Эшитув давомида 2015 йилда йirik объектлари ишга туширилди, вақтинча ишламаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш (соғломлаштириш), кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг ривожланиши, касаначилик ва оилавий тадбиркорликнинг кенгайиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилиши каби йўналишларда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашга доир кенг ахборот тақдим этилди.

Мамакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш механизми жорий этилганлиги ҳамда парламент томонидан бу борада тегишли дастур қабул қилингани натижасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида жами 441,8 минг кишининг бандлиги таъминланди. Иш ўринларининг 62,2 фоизи қишлоқ жойларида яратилди. Бандлиги таъминланганларнинг катта қисми Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Қашқадарь, Бухоро, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғриси келади.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлан-

тириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони орқали берилган имтиёзларнинг жорий этилиши ҳисобига яқка тартибдаги тадбиркорликда банд бўлганлар сони сезиларли даражада ошди.

Дастур доирасида меҳнат бозорида банд бўлмаган аҳолига бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказиш орқали хизматлар кўрсатилди. Натижада туман ва шаҳарлардаги бандликка қўмак-

турга киритган 180 лойиҳа ташаббускор вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари томонидан қатъий назорат ўрнатилгани боис ўз вақтида амалга ошмаган. Натижада 2,5 мингдан ортиқ иш жойи яратилмасдан қолган. Жорий йилнинг 6 ойида янги иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари мақсадли дастурларга мувофиқ, саноат соҳасида Беруний, Кумқўрғон, Шеробод туманларида тўлиқ бажарилма-

га яқин, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 29 минг, қишлоқ хўжалигида 23 мингдан ортиқ иш ўрни яратилгани, фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тиклаш ҳисобидан 7 минг иш ўрни тиклангани, айниқса, маҳаллий ҳокимликлар қарорлари асосида, 33 мингдан ортиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ҳамда қўшимча имтиёзларга эга бўлган аҳоли тоифалари ишга жойлаштирилгани партия-миз дастурий мақсадлари билан ҳамоҳангдир.

Амалга оширилган ишлар, эришилган кўрсаткичларни эътироф этамиз, шу билан бирга, Дастур ижроси юзасидан мунтазам ва тизимли равишда парламент назорати ўрнатилиши, бандлигини таъминлаш соҳасида қонунчиликни ривожлантириш, келгусида қабул қилинадиган дастурлар ва уларнинг ижро механизмини такомиллаштириш муҳим масала, деб ҳисоблаймиз.

Фракциямиз аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Сурхондарё, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида дастур ижроси билан яқиндан танишишди. Туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузурида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури-нинг мақсадли параметрларини сўзсиз бажариш юзасидан мувофиқлаштирилган ишларни ташкил этиш бўйича доимий ишловчи ҳудудий комиссияларнинг фаолияти атрофлича ўрганилди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари касб-хунар коллежларининг 2014-2015 ўқув йили битирувчиларини иш билан таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган қўшимча чора-тадбирларни ижобий баҳолаш билан бирга, бандлик дастури ижроси юзасидан бир қатор танқидий мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Жойларда Дастурнинг амалга оширилишини қўриб қиқширишга касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш тўғрисида тақдим этилаётган маълумотлар ҳақиқатга қанчалик тўғрисида қиқшириш танқидий ўрганиб чиқиш ва ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишни тақлиф этишди.

Бундан ташқари, корхоналар ва уйда маҳсулот ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кор-операцияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлан-

тириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони орқали берилган имтиёзларнинг жорий этилиши ҳисобига яқка тартибдаги тадбиркорликда банд бўлганлар сони сезиларли даражада ошди.

Дастур доирасида меҳнат бозорида банд бўлмаган аҳолига бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказиш орқали хизматлар кўрсатилди. Натижада туман ва шаҳарлардаги бандликка қўмак-

турга киритган 180 лойиҳа ташаббускор вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари томонидан қатъий назорат ўрнатилгани боис ўз вақтида амалга ошмаган. Натижада 2,5 мингдан ортиқ иш жойи яратилмасдан қолган. Жорий йилнинг 6 ойида янги иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари мақсадли дастурларга мувофиқ, саноат соҳасида Беруний, Кумқўрғон, Шеробод туманларида тўлиқ бажарилма-

га яқин, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 29 минг, қишлоқ хўжалигида 23 мингдан ортиқ иш ўрни яратилгани, фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тиклаш ҳисобидан 7 минг иш ўрни тиклангани, айниқса, маҳаллий ҳокимликлар қарорлари асосида, 33 мингдан ортиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ҳамда қўшимча имтиёзларга эга бўлган аҳоли тоифалари ишга жойлаштирилгани партия-миз дастурий мақсадлари билан ҳамоҳангдир.

Амалга оширилган ишлар, эришилган кўрсаткичларни эътироф этамиз, шу билан бирга, Дастур ижроси юзасидан мунтазам ва тизимли равишда парламент назорати ўрнатилиши, бандлигини таъминлаш соҳасида қонунчиликни ривожлантириш, келгусида қабул қилинадиган дастурлар ва уларнинг ижро механизмини такомиллаштириш муҳим масала, деб ҳисоблаймиз.

Фракциямиз аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Сурхондарё, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида дастур ижроси билан яқиндан танишишди. Туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузурида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури-нинг мақсадли параметрларини сўзсиз бажариш юзасидан мувофиқлаштирилган ишларни ташкил этиш бўйича доимий ишловчи ҳудудий комиссияларнинг фаолияти атрофлича ўрганилди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари касб-хунар коллежларининг 2014-2015 ўқув йили битирувчиларини иш билан таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган қўшимча чора-тадбирларни ижобий баҳолаш билан бирга, бандлик дастури ижроси юзасидан бир қатор танқидий мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Жойларда Дастурнинг амалга оширилишини қўриб қиқширишга касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш тўғрисида тақдим этилаётган маълумотлар ҳақиқатга қанчалик тўғрисида қиқшириш танқидий ўрганиб чиқиш ва ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишни тақлиф этишди.

Бундан ташқари, корхоналар ва уйда маҳсулот ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кор-операцияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлан-

тириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони орқали берилган имтиёзларнинг жорий этилиши ҳисобига яқка тартибдаги тадбиркорликда банд бўлганлар сони сезиларли даражада ошди.

Дастур доирасида меҳнат бозорида банд бўлмаган аҳолига бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказиш орқали хизматлар кўрсатилди. Натижада туман ва шаҳарлардаги бандликка қўмак-

турга киритган 180 лойиҳа ташаббускор вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари томонидан қатъий назорат ўрнатилгани боис ўз вақтида амалга ошмаган. Натижада 2,5 мингдан ортиқ иш жойи яратилмасдан қолган. Жорий йилнинг 6 ойида янги иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари мақсадли дастурларга мувофиқ, саноат соҳасида Беруний, Кумқўрғон, Шеробод туманларида тўлиқ бажарилма-

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДАН — ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК САРИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёл-лар» қаноти томонидан ўтказилиб келинаётган «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси доирасидаги давра суҳбатларини самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Кўёш» маҳалласида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши масъул ходимлари, маҳалла фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, фаол хотин-қизлар ва ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатда хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган вазифалар ижросида партия ташкилотларининг ўрни ҳақида фикр юритилди. Мутахассислар оилавий тадбиркорлик ва бошқа шаклларда ўз ишини очиш истагида бўлган ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд хотин-қизларга дастлабки сармояни шакллантириш ҳамда бизнес режалар тузиш, кредит олишда яратилган имтиёзлар ҳақида маълумотлар беришди.

«Мен ҳам ўз ишимни йўлга қўймоқчиман»

Гулиан АСАТОВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
сектор мудири:

— Аёл иш билан банд бўлса, нафақат оила даромадига улш қўшади, балки жамиятининг фаол аъзосига айланади. Шу боис мазкур лойиҳа доирасида хотин-қизларни иш билан таъминлаш, бу борада уларга яқиндан қўмаклашиш масаласига катта эътибор қаратилган.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида ушбу лойиҳага асосан корхоналар фаолияти ўрганилиб, 2500 дан ортиқ бўш иш ўрни аниқланди, меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Натижада қўллаб хотин-қизлар ишга жойлаштиришга қўмаклашилди. Тадбирларга мутахассисларнинг жалб этган ҳолда, оилавий, яқка тадбиркорлик билан шуғулланишнинг бўлганларга ҳуқуқий маслаҳатлар беришда ҳамда 300 нафарга яқин хотин-қизга кредит олишда ёрдам кўрсатилди.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
«Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими раҳбари:

— Бугун оила, жамият, юрт тараққиётига ҳисса қўшишга интилаётган хотин-қизлар сони ортиб бораётгани қувонарли. Бунга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган кенг имкониятлар муҳим омил бўлган. Биргина ўтган йилнинг ўзида ишчи-хизматчиларнинг 50 фоизи хотин-қизлар бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 770 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Чека қишлоқларда гўзаллик салонлари, таъмирлаш ва тикув цехлари, маиший техникаларни тузатиш шохобчаларида иборат 150 дан ортиқ хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилди. Бу хотин-қизларнинг турмуш маданияти ортиши, уларнинг бандлиги таъминланиши, ижтимоий фаолиятини оширишга хизмат қилади. Бугунги тадбирдан келиб чиққан ҳолда биз ҳам мустақил ишни бошлаш ниятида бўлган 15 нафар ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд хотин-қизни икки ҳафта бепул ўқитишни режалаштирдик.

Хонзода АБДУРАУФОВА,
Паркент транспорт ва сервис касб-хунар коллежи битирувчиси:

— Тадбир мен учун жуда фойдали бўлди. Коллежни тамомлаб, мен ҳам кичик бизнес соҳасида ўз ишимни йўлга қўймоқчиман. Маърузаларни тинглаб, керакли маълумотларга эга бўлдим. Хотин-қизлар учун бу борада имкониятлар кенг экан. Биз ёшлар шундай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, Ватанга хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишимиз керак.

Тадбирда, шунингдек, партия вилоят кенгаши раиси Сирожиiddин Аъзамов, Ўзбекистон халқ шоири, партиямиз фаоли Махмуд Тоир, актёр Ҳамид Тошпўлатов, Паркент туман Кенгаши депутати Хусниiddин Муҳиддинов, вилоят Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сирожиiddин Боқоқов мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Гулрух ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

Давом. Бошланғич 1-бета.

■ АЙНИ ПАЙТДА ЎзХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ СОНИ 10 МИНГГА ЯҚИН БЎЛИБ, УЛАР 403040 НАФАР АЪЗОНИ БИРЛАШТИРГАН.



Давом. Бошланғич 1-бета.

■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА КОДЕКСИНИНГ 43-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА.



